



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 197 (12.758)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МДХ САММИТИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2014 йил 9-10 октябрь кунлари Минск шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этади.

ШХТГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР БОШ ПРОКУРОРЛАРИ МАЖЛИСИ

Тошкент шаҳрида 8 октябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)га аъзо давлатлар бош прокурорларининг ўн иккинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси ва Тожикистон Республикаси бош прокурорлари ҳамда прокуратура органлари раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирда ШХТга кузатувчи мақомига эга Ҳиндистон Республикаси, Эрон Ислон Республикаси, Мўғулистон вакиллари, шунингдек, ШХТ Бош котиби Дмитрий Мезенцев, ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Чжан Синьфэн қатнашди.

Мажлис Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашидхон Қодиров раислигида ўтди. Унда бош прокурорларнинг йиллик мажлиси ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг халқаро терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа хавфли кўринишларига қарши кураш соҳасида ҳуқуқий ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга доир қарорларнинг амалга оширишнинг самарали механизми экани таъкидланди. Навбатдаги мажлис бу соҳадаги қўшма қарорларнинг ижроси билан боғлиқ жараёнларнинг давоми бўлди.

Тадбирда ШХТга аъзо давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари ҳамкорлигининг истиқболли йўналишлари муҳокама этилди.

Мажлис иштирокчилари ШХТга аъзо давлатлар прокуратура органлари томонидан тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш соҳаларидаги қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга ошириш масалалари бўйича ахборот алмашди. Шунингдек, жинойи йўл билан топилган даромадларни аниқлаш, мусодара қилиш ва уларни тегишли давлатларга қайтариш юзасидан ташкилотга аъзо давлатларнинг қонунчилик ҳужжатлари ва амалиёти таҳлилининг натижалари ҳам муҳокама этилди.

Мажлис якунида ШХТга аъзо давлатлар делегация раҳбарлари томонидан тегишли Протокол имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси, Ўзбекистон Республикаси ва Мўғулистон Бош прокуратуралари делегацияларининг икки томонлама учрашувларида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

(ЎЗА)

Биз ўз олдимизга қўйган буюк марраларни эгаллаш йўлида кундалик ҳаётимизда амалга ошираётган, бутун дунё тан олаётган режа ва дастурларимиз, ўсиш суръатларимиз, кундан-кунга қиёфаси ўзгариб, куч-қудратга тўлиб бораётган ғўзал ва бетакрор она юртимиз, энг муҳими, ривожланган мамлакатлардаги тенгдошлари билан тиллашув ва беллашувга тайёр бўлиб, тобора ҳал қилувчи куч даражасига кўтарилаётган сиз, азиз ёшларимиз, фарзандларимиз билан биз кўзлаган мақсадларимизга албатта эришамиз. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак.

Ислон КАРИМОВ



Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида XVII ёзги Осиё ўйинлари ниҳоясига етди. Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ушбу мусобақаларда спортнинг 31 турида иштирок этиб, 44 медаль, яъни 9 олтин, 14 кумуш ва 21 бронза медални қўлга киритди. Жамоавий баҳслар ҳисобга олинганда мамлакатимиз спортчилари жами 61 медалга (12 олтин, 14 кумуш ва 35 бронза медал) сазовор бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАС, ҲЕЧ ҚАЧОН КАМ БЎЛМАЙДИ

Осиё ўйинларида қўшамизнинг 45 мамлакатидан 13 мингдан зиёд спортчи 36 спорт тури бўйича 437 медаллар жамланмаси учун ўзаро баҳslashди. Улар орасида Олимпия ўйинлари, жаҳон ва қўшма чемпионатларнинг голиб ва совриндорлари кўпчили экани мусобақаларнинг кескин ва мурасасиз кечишини таъминлади.

Осиё ўйинларида Ўзбекистондан 228 спортчи бокс, бадий гимнастика, байдарка ва каноэда эшак эшиш, дзюдо, оғир ва енгил атлетика, эркин ва юн-рум кураши, сузиш, велоспорт ва бошқа спорт турлари бўйича мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилди. Улар ўзларининг ёрқин чиқишлари ва эришган юксак натижалари билан Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга давлат сийсати даражасида алоҳида эътибор қаратилаётганини яна бир бор намоён этди ва Ватанимиз шаънининг бутун дунёда янада улуғланишига ҳисса қўшди. Энг муҳими, Ўзбекистон спортчилари ҳеч кимдан ҳеч қачон кам бўлмагани ва кам бўлмаслигини яна бир бор исботлади.

Спортчиларимиз бундай имконият ва юксак марраларга мустақиллигимиз шарофати тўғрисида эришди. Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳаётимизнинг барча жабҳалари,

жумладан, спорт соҳасини тубдан ислоҳ этиш борасида кенг қўлмали ишлар амалга оширилди. Қўллаб-қамраб спорт иншоотлари қад ростлади ва бу ишлар изчил давом эттирилмоқда. Улар сифатли инвентар ва ускуналар билан жиҳозланмоқда, соҳа учун юқори малакали мутахассислар тайёрланмоқда. Бир сўз билан айтганда, спорт ва жисмоний тарбия ёш авлодни тарбиялаш ва таълим бериш бўйича тўлиқ янгиланган тизимнинг муҳим узвий қисмига айланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуни ва бошқа меъририй-ҳуқуқий ҳужжатлар аҳоли, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар ва болаларни жисмоний тарбия ҳамда спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш учун қўлай шарт-шароит яратишда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда нуфузли халқаро мусобақалар – ўсмирлар ўртасида спорт гимнастикаси бўйича Осиё чемпионати, таэквондо ва самбо бўйича Осиё чемпионати, эркин ва юн-рум кураши бўйича жаҳон чемпионатининг юксак савияда ўтказилгани босиб дунёда Ўзбекистоннинг спорт мамлакатига сифатида обрў-эътибори ошиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жағфармаси мамлакатимизда спорт ҳаракатини янада кенгайтириш, жисмонан соғлом ва маънан баркамол авлодни тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, биз мазкур жағфарма орқали аввало соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантиришдек олижаноб мақсадларни кўзлаганмиз. Чунки бутун униб-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуғ, энг муқаддас мақсад, деб билган мамлакатимизда халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллай олади.

Ўтган вақт давомида Болалар спортини ривожлантириш жағфармаси ушбу эзгу мақсадларга эришишга қаратилган қўллаб-қўллайиш амалга оширди. Жағфарманинг самарали фаолияти натижасида Ватанимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам ёшлар спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Бунинг учун мамлакатимизда барча замонавий шароитлар яратилган.

(Давоми 3-бетда)

САЙЛОВ АМАЛИЁТИ: ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОЛЬША ТАЖРИБАСИ

Сайловларни ташкил қилиш ва ўтказишда очкилик, ошкоралик ҳамда қонун устуворлигини, сайловларда сиёсий партияларнинг иштирокини таъминлаш соҳасида икки мамлакат сайлов қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ривожланишининг замонавий ҳолати ҳамда истиқболлари муҳокама этилган мазкур тадбирда Польшанинг етакчи олим ва экспертлари ҳамда Варшава университети магистрантлари қатнашди.

Давра суҳбати иштирокчиларига мавзуга доир ахборот материалла-

Сайлов — 2014

Варшавада Ўзбекистоннинг Польшадаги элчихонаси томонидан Варшава университети Сиёсий фанлар институти билан ҳамкорликда «Сайлов қонунчилиги ва уни қўллаш амалиёти: Ўзбекистон ва Польша тажрибаси» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

ри ва рисоалар тарқатилди.

Польшалик экспертлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига конституциявий мақом берилиши, унинг ваколатлари кенгайтирилиши, молиявий мустақиллиги таъминланиши ҳамда сайлов

кампаниясининг барча босқичида сайловчиларни хабардор этиб бориш юзасидан амалга оширилаётган ишларни юқори баҳоладилар.

Учрашувда сўзга чиққан Варшава университети Сиёсий фанлар институти директори, профессор

С.Суловский ҳозирги вақтда Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизimini либерallashtiriш, ҳокимият бўлинишининг конституциявий принципини ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ҳуқуқий асосни янада такомиллаштириш юзаси-

дан зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Варшава университети Сиёсий фанлар институтининг Шарқий тадқиқотлар факультети раҳбари Т.Бодио фикр билдирганидек, давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини сайловлар орқали шакллантириш мамлакатдаги конституциявий тузумнинг демократик хусусиятидан далолат беради. «Шу сабабли Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини такомиллаштириш ва сиёсий партияларнинг ўрни ҳамда аҳамиятини юксалтиришга катта эътибор қаратилаётгани ҳар жиҳатдан тўғридир», деди у.

Мазкур институт директорининг ўринбосари, профессор Б.Бискуп «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг юксак

ҳуқуқий мақоми сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришлари учун муҳим шарт-шароит ҳисобланади. Сайловларга тайёргарлик қўриш ва уларни ўтказишда бошқа давлат органларининг аралашувиغا йўл қўйилмайди», дея таъкидлади.

Давра суҳбати якунида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан парламент сайловларига халқаро кузатувчиларни таклиф қилиш юзасидан амалга оширилаётган ишларни ҳамда юртимизда ҳаётга татбиқ этилаётган сайлов амалиётини юқори баҳоладилар.

«Жаҳон» АА
Варшава

доирасида давра суҳбати ўтказилди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида хотин-қизлар ўртасида хунармандликни ривожлантиришга бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

● «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида Жиззах вилоятида ҳомиладор аёлларнинг 85 фоизи перинатал ультратовуш скрининг текширувидан ўтказилди.

● Косонсой шаҳридаги 4-болалар мусика ва санъат мактабиди

вилоят сайлов комиссияси томонидан кўргазмали ўқув-амалий семинари ташкил этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорида белгиланган чора-тадбирларнинг туман сайлов комиссияси томонидан ижросига эътибор қаратилди.



ЖАҲОНДА

● Хитойнинг жануби-ғарбидаги Юньнань музофотида Рихтер шкаласи бўйича 6,6 баллга

тенг ер силкиниши кузатилди. Табиий офат оқибатида бир киши ҳалок бўлган, 324 киши эса турли даражада тан жароҳати олган. Қурбонлар сони ошмаслигининг олдини олиш мақсадида 57 минг нафарга яқин киши хавфсиз ҳудудларга кўчирилди.

● Германия саноатида ишлаб чиқариш сўнгги беш йилликда энг паст кўрсаткични қайд этмоқда. Бу ҳақда мамлакатнинг Технология ва иқтисодиёт федерал вазирлиги маълум қилди.



Мамлакатимизда

● Самарқандда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар жағфармаси – ЮНИСЕФнинг «Оила институтини мустаҳкамлаш масалаларини ёритишда оммавий ахборот воситалари салоҳиятини ошириш» лойиҳаси

МУНОСИБ МЕХНАТ ШАРОИТЛАРИ ЯРАТИШ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан 7 октябрь – Бутунжаҳон муносиб меҳнат кунига бағишлаб давра суҳбати ташкил этилди.

Унда депутатлар, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, турли идора ва ташкилотлар, касаба уюшмалари фаоллари, Халқаро меҳнат ташкилотининг экспертлари, ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Б.Маҳмадалиев, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг меҳнат ҳуқуқи инспекцияси раҳбари Д.Матрасулов, Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистондаги эксперти Х.Талига, мазкур ташкилотнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бюроси бош мутахассиси С.Гловацкас ва бошқалар аҳоли учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш ва бандлигини таъминлаш жамиятда ижтимоий адолат барқарорлигини сақлаш, барча соҳаларни изчил тараққий эттиришда алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда аҳолининг ҳаёт даражасини ошириш, инсон омилига устувор аҳамият қаратиш, ёшларга пухта таълим-тарбия бериш борасидаги ислохотларда ҳар бир фуқаронинг эркин касб танлаши, ўзи қизиққан соҳа бўйича ихтисослик сирларини ўрганиши, меҳнат қилиши учун муносиб шароит яратиш юзасидан кенг қўлмали ишлар амалга оширилмоқда.

Фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқ ва манфаатлари Ўзбекистон Конституцияси, Меҳнат кодекси, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, бандликни таъминлашга оид қонунчилик ҳужжатлари билан кафолатланган. Аҳолини иш билан таъминлаш ва тadbirkorликни қўллаб-қувватлашга оид дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижа-сида ҳар йили мамлакатимизда 1 миллионга яқин иш ўрни яратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг фармонлари-га биноан иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар миқдори муттасил тарзда ошириб боришмоқда. Ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш изчил давом эттирилмоқда. Юртимизда меҳнат соҳасида таъсирчан давлат ва жамоатчилик назорати

йўлга қўйилган бўлиб, муносиб меҳнат тамойилларига амал қилиш учун давлат, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасида самарали ҳамкорлик ўрнатилган.

1999 йилда Халқаро меҳнат ташкилотининг илгари сурилган Муносиб меҳнат дастури эркин, адолатли ва ҳавфсиз меҳнат, мутахассисларнинг иш фаолиятини қадрлаш каби тамойилларга асосланади. Ўзбекистон Республикаси ва Халқаро меҳнат ташкилотини ўртасида 2014-2016 йиллар учун Муносиб меҳнат дастури қабул қилинган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари меҳнат тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати олиб бориш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини муҳофазалаш борасидаги ўз вазифаларини бажариш учун ҳуқуқ ва имкониятлар берилган. Мазкур жамоат тузилмаларининг бандликка қўмаклашиш юзасидан фаолиятида янги иш ўринлари яратилганини жой-ларга чиқиб ўрганиш амалиёти жорий этилгани ижобий самара бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Республика Савдо-саноат палатаси ўртасидаги бош келишув асосидаги жамоа шартномалари орқали ходимларнинг меҳнати муҳофазасига оид янги меъёрларнинг киритилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга янги ташкил этилаётган корхона ва ташкилотлар ходимларини касаба уюшмалари-га жалб этиш борасидаги ишлар қучайтирилиб, шу йилнинг ўзига 8,5 мингга яқин бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузилди.

Шу йилнинг ўтган даврида жамоа шартнома ва келишувлари орқали фуқаролар ва кам таъминланган оила-ларга қарийб 80 миллиард сўмлик ижтимоий кўмак кўрсатилди.

Давра суҳбатда мамлакатимиз меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш, 2014-2016 йиллар учун Ўзбекистон Республикасида Муносиб меҳнат дастури-нинг асосий йўналишлари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси-нинг Муносиб меҳнат концепциясини амалга оширишдаги фаолияти хусу-сида атрафчи сўз юритилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири



Элхон Шамардин (ЎЗА) олган сурат



САЙЁХЛИК ИМКОНИЯТЛАРИ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

Пойтахтимизда «Ипак йўлидаги туризм» XX Тошкент халқаро сайёхлик ярмаркаси якунланди.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси ва «Буюк Ипак йўли» реклама агентлиги томонидан БМТ Жаҳон сайёхлик ташкилоти кўмагида ташкил этилган мазкур анжуманда Ўзбекистон, Испания, Австрия, Швейцария, Жанубий Корея, Хиндистон, Малайзия, Бирлашган Араб Амирликлари, Таиланд, Сингапур, Чехия, Латвия, Польша, Индонезия, Эрон, Туркия каби қирқдан ортқ мамлакатдан қўллаб сайёхлик фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

«Туризм ва саноатнинг ипак боғлами» шiori остида ўтказилган бу галги ярмарка иштирокчи-лар сони ва намоёиш этилган лойиҳаларнинг тур-фа хиллиги, ранг-баранглиги, қизиқарли тақди-мотларга бойлиги билан алоҳида ажралиб турди.

«Ипак йўлидаги туризм» ярмаркасида бу йил бешинчи бор иштирок этдик, — деди Малайзия-нинг «Tourism Malaysia» компанияси департамент директори Нормасила Мусо. — Ўзбекистонда сайёхларни мазмунли ўтказиш ва ҳордиқ чиқариш учун барча имкониятлар мавжуд. Тарихий обидлар, самимий меҳмондўстлик, қўни қамаш-тибдул ҳунармандлик буюмлари ҳамда юртин-гиздаги тинчлик-тотувлик муҳити бутун дунё сай-ёхларини ўзига жалб этмоқда. БМТ Жаҳон сай-ёхлик ташкилоти Икхрия кенгашининг 99-сес-сияси Самарқандда ўтказилган Ўзбекистоннинг улкан сайёхлик салоҳияти ва халқаро мисқасиди-н нуфузи тобора юксалиб бораётганининг яна бир тасдиғи бўлди.

Ярмарка иштирокчилари соҳадаги ютуқлар, янгиликлар билан таниди. Миллий ва халқаро сайёхлик ташкилотлари, меҳмонхона ва ресто-ранглар, музейлар, банк хизматлари, сугурта ком-паниялари ҳамда оромгоҳлар вакиллари ишти-рок этган ушбу ярмаркада мамлакатимизнинг сай-ёхлик салоҳияти ва тақлиф этилаётган хизмат-лар, ҳушманзара табиати ва ноб меъморий обидаларимиз акс этган экспонатлар, халқ ҳунар-мандлиги буюмлари кенг намоёиш қилинди.

Бирлашган Араб Амирликларида Ўзбеки-стон халқининг бой маданияти, тарихи ва бугунги тараққиёти билан танишишга қизиқиш юқори, — деди Бирлашган Араб Амирликлари «Tamani Marina» компанияси бош менежери Валид Нохел

Ал-Ава. — Шу боис ярмаркада мамлакатимиз ўртасида сайёхлар алмашинуви янада кенгай-тириш бўйича Ўзбекистоннинг қатор сайёхлик компаниялари билан ҳамкорлик ўрнатдик.

«Ўзбекистон бўйлаб сайёхат миллий павильо-ни» стендлари ярмарка иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Улар Қорақалпоғистон Рес-публикаси ва барча вилоятларнинг сайёхлик са-лоҳияти билан кенг таниди.

Тўрт юлдузли меҳмонхонамизда сайёхларга юқори сифатли хизмат кўрсатилди, — деди ЎЗА мухбирига «Grand Bukhoro» меҳмонхонаси раҳ-бари Аҳмад Хусанов. — Ўтган йили беш мингдан зиёд хорижлик сайёх ва ўн мингдан ортқ юрт-дошларимизга хизмат кўрсатдик. Ярмаркада қатор туристик ташкилотлар билан ўзаро манфаатли, узок истиқболга мўлжалланган келишувларга эришдик.

Ярмарка доирасида мамлакатимиз туризмда янги лойиҳа — «Hosted buyers /Профессионал харидор/» дастури бошланди. Бу дастур истиқ-болли шериклар ва харидорлар ўртасидаги ун-рашувларни олдидан белгилаш, уларга мўъайн имтиёзлар бериш орқали соҳада ишбилармон-лик муҳитини ривожлантиришга хизмат қилади.

Тадбир қатнашчилари «Миллий таомлар фе-стивали», «Шарқ бозори» экспозицияларида ўзбек миллий таомлари ва сархил мева-сабзавотлардан татиб қўриш, «Хунармандлар шаҳарчаси» бўлими-да миллий хунармандлик буюмларини харид қилиш имконига эга бўлдилар. Ўзбек миллий ли-бослари намоёиши, миллий мусиқа ва рақслари-си иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Халқаро ярмарка доирасида «Туризм соҳаси-да ижтимоий ҳамкорлик: таълим ва иш билан таъ-минлаш» мавзусида халқаро форум ҳам бўлиб ўтди.

Тошкент халқаро сайёхлик ярмаркаси доира-сида энг яхши сайёхлик йўналиши тақдими, компания ва меҳмонхона тақдими, энг яхши стенд, энг яхши сервис, энг яхши дизайн, кўп йиллик ва сермахсул ҳамкорлик каби қатор йўна-лишлар бўйича ғолиблар аниқланди ва тақдир-ланди.

Ирода УМАРОВА

Мамлакатимизда бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштиришга муҳим вазифалардан бири сифатида қаралади. Иқтисодиёт соҳасининг юксалишида муҳим аҳамият касб этадиган воситалардан бири, бу рақобатдир. Шундай экан, ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг қай даражада ривожланиши шу давлатдаги рақобат муҳитининг амалдаги ҳолатига боғлиқ.

Президентимиз раҳнамолигида юртимизда соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўлмали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу борадаги ишларга Ўзбекистон Республикаси Ху-сусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобат-ни ривожлантириш Давлат қўмитаси ва унинг ҳудуд-ий бошқармалари ҳам катта ҳисса қўшиб келмоқда. Хусусан, қўмитанинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқар-маси томонидан бозор ислохотларини ривожланти-риш ва ноҳалол рақобатга йўл қўймаслик борасида жорий йилнинг ўтган даврида бир қатор ишлар амал-га оширилди.

Жумладан, ортопедия-протез маҳсулотлари ва ортопедия поабазалари, трактор ва тир-камалар учун узеллар, чўян, пўлат ва алюминий қўйилмалар ҳамда резина ва пластмасса маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш, электрон электр ҳисоблагичларни бошқа жойга қўчириб ўрнатиш ва алмашти-риш хизматлари, дори-дармон ва тиббий мақсадлардаги маҳсулотлар, шунингдек, ли-зинг ва ҳаётий сугурталаш каби молиявий хизматлар бозорлари пухта ўрганилди ва таҳлиллар ўтказилди.

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги Қонунининг ижросини таъмин-лаш юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида мисол сифатида шунга айтиш мумкинки, жорий йил-нинг биринчи ярмида ушбу қонун талаблари бузил-ганлиги юзасидан 20 та ҳўжалик юритувчи субъект-ларга нисбатан иш қўзғатилиб, белгиланган тартиб-да кўрсатмалар берилди. Иккита корхона раҳбарига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, жарималар қўланилди.

Тошкент шаҳрида ишбилармонлик муҳити ҳола-тини аниқлаш мақсадида прогностлаштириш ва мак-роиктисодий тадқиқотлар институти билан ҳамкор-ликда тadbirkorлик субъектлари ўртасида сўровно-малар ўтказилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақоб-батни ривожлантириш Давлат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Рақобат муҳитини ри-вожлантириш ва ноҳалол рақобатга йўл қўймаслик бўлими бошлиғи Учқун Каримов. — Сўровномалар на-тижасига кўра Тошкент шаҳрида ҳўжалик юритувчи

субъектлар фаолиятида асосан ер (жой, бино) олиш мураккаблиги, қурилишга рўхсат олиш ва тегишли ҳўжатларни расмийлаштиришда, электр энергияси ва газ тармоқларида уланишда муаммолар мавжуд-лиги, аксарият тadbirkorлик субъектларида жорий шарт-шароитлар қонқарли даражада эканлиги, бирок бандлардаги нақд пул муаммоси, солиқ, кредит олиш, маҳсулот экспортда ҳўжатларни расмийлаштириш ва валюта алмаштириш масалаларида тadbirkorлар-ни қизиқтираётган ҳолатлар кузатилди.

Шунингдек, жорий йил давомидда тadbirkorлик субъектларида учраётган мавжуд муаммоларни ўрга-ниш ва уларни ҳал этиш чораларини кўриш мақсади-

СОҒЛОМ РАҚОБАТ МУҲИТИ — ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

да Давлат рақобат қўмитаси, Давлат рақобат қўмита-сининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, туман ҳокимликлари ва бошқа тегишли идоралар билан ҳам-корликда тadbirkorлик субъектлари иштирокида уч-рашувлар ўтказиб келинмоқда.

Чунончи, жорий йилнинг май ойида Тошкент шаҳар Савдо-саноат палатаси ва бошқа мутасадди ташки-лотлар билан ҳамкорликда «Тadbirkorлар кўни» тadb-бири ўтказилди. Унда ҳудудий бошқарма, Адлия, Солиқ, Божхона бошқармалари, Тошкент шаҳар Касаба уюш-малари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши, Тошкент шаҳар Давлат мулкни ижарага бериш маркази ва бошқа бир қатор идоралар вакиллари иштирок этди.

Тadbирда тadbirkorлик субъектлари фаолиятида уч-раётган муаммолар ўрганилиб, уларни ҳал этиш бўйи-ча тегишли чоралар қўриладиган бўлди. Шунингдек, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан соҳага оид қонунлар, қарорлар ва уларга қиритилган ўзгари-тишлар ҳақида тadbirkorлар хабардор қилинди. Иш-билармонлар божхона, солиқ, давлат мулкни ижарага олишга доир саволларига тегишлича жавоб олишди.

Бундан ташқари устувор мақвега эга бўлган ҳўжа-лик юритувчи субъектлар Давлат реестрини юритиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

Тошкент шаҳри бўйича 2014 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига устувор мақвега эга бўлган ҳўжалик юритув-чи субъектлар Давлат реестрида 23 та ҳўжалик юри-тувчи субъект 27 хил турдаги маҳсулот ва хизматлар бўйича рўйхатга олинган, — дея сўзини давом эттир-ди У. Каримов. — Ана шу 23 та ҳўжалик юритувчи субъектлардан биттаси озиқ-овқат маҳсулотлари, ик-китаси машинасозлик ва металлургия соҳаси, битта-си электротехника саноати, иккитаси қурилиш мате-риаллари, ўн бештаси хизматлар ва иккитаси бошқа соҳаларга оид корхоналардир.

Ўтган давр мобайнида устувор мақвега эга бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар Давлат реестридаги 4 та корхона: — Тошкент шаҳар Архитектура ва қури-лиш бош бошқармасининг «Якка тартибдаги уй-жой учун жисмоний ва юридик шахсларга маълумотно-малар бериш», «Метрология хизматлари кўрсатиш маркази» ДКнинг ўлчов воситаларини қўйиш ва метрологик шаҳодатлаш хизматлари, «Электрон ҳисоблагич» ҚКнинг электрон электр ҳисоблагич ҳамда «Тошкент шаҳар йўл қурилиш ва таъмирлаш трести» ОАЖнинг асфальтбетон қоришма маҳсулот-ларининг нархлари молия органида қайта декларация қилинди.

Юқори ликвидли монопол маҳсулотларни харид қилиш-да кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектлари учун эркин ва тенг шарт-шароитларни таъминлаш мақса-дида ҳудудий бошқарма то-монидан бир қатор ишлар олиб боришмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига асосан, юқори ликвидли монопол маҳсулотларнинг доимий равишда биржа савдоларида қўйилиши юзасидан мунтазам равишда мониторинг ишлари ўтказилиб, унинг натижалари ҳар ойнинг 5 сана-сига қадар Давлат рақобат қўмитасига тақдим эти-лаётир.

Бундан ташқари, ҳудудий бошқарма ходимлари жор-ий йилнинг ўтган даврида 65 та тендер савдолари-нинг комиссия йиғилишларида иштирок этиб, Ўзе-бекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги қону-ни талабларига риоя этилиши юзасидан назорат иш-ларини амалга оширди.

Бугунги кунда соғлом рақобат муҳитини ривожлан-тирмай ва уни ҳимоялаш механизмини яратмай ту-риб иқтисодий барқарорликка эришиш қийин. Шун-дай экан, Давлат рақобат қўмитасининг Тошкент ша-ҳар ҳудудий бошқармаси ҳамда бошқа маъсул идо-ралар томонидан «Рақобат тўғрисида»ги Қонун ижро-сининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга эришиш мамлакат тараққиёти ва унинг иқтисодий юксалиши-да муҳим аҳамият касб этишини яна бир қарра таъ-кидлаб ўтаимиз.

Абдували СОДИКОВ

*Сергели тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ*

СЕРГЕЛИ ТУМАНИДА ИЖТИМОЙ МУҲОFAЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2015 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbорот-номаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда), «Ўзбекистон Рес-публикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Аxbоротномаси 2008 йил, 7-сон, 353-модда), Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbорот-номаси, 2008 й., 4-сон, 190-модда), Ўзбекистон Рес-публикаси Президентининг «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбир-лари тўғрисида»ги 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 15-сон, 156-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шах-сларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида»ги Низомга (Ўзе-бекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил 34-сон, 333-модда, 2010 йил, 13-сон, 96-модда, 2011 йил, 1-2-сон, 4-модда, 2012 йил, 44-сон, 507-модда) мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2015 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни бел-гилаш бўйича туман махсус комиссиясининг 2014 йил 19 сентябрдаги йиғилиши баёнини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАН:

1. Сергели туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жой-лаштириш учун тумандаги 152 та ташкилотларда аҳоли-нинг қўйидаги тоифалари учун жами 904 та иш ўрин-лари банд қилиб қўйилсин:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун — болалар-ни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифа-ларини уйғуллаштириш имконини берадиган, ўзга-рувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун — улар-нинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун — уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари; ногиронлар учун — меҳнат шароитлари бўйича аттес-тациядан ўтказилган ҳамда ҳодимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳоли ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид қўрсат-гичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари; бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳфа-за қилиш туман марказида иш қидирувчи сифатида ҳисоб-да турган пенсия ёшга яқинлашиб қолган шахслар учун — махсус малакали талаб қилмайдиган иш ўринлари; одам савдосидан жабрланганлар учун иш ўринлари; жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўта-ётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбу-рий чоралар қўрилган шахслар учун — уларнинг касб бўйича тайёргарлик ҳисобга олинган ҳолдаги иш ўринлари, му-айян касб-ҳунар, малакага эга бўлмаган шахслар учун — махсус малакали талаб қилмайдиган иш ўринлари.

2. Сергели туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жой-лаштириш учун иш ўринларини 2015 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати ило-вага асосан тасдиқлансин.

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳ-барларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийна-лаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2014 йил якунланишидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2015 йилнинг 10 апрелидан кейинки иш жойлари-нинг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ахратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касб-лар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидagi маълумотларни ва қарор бўйича чиқарилган буйруқ нусха-ларини туман Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини иж-тимоий муҳофаза қилиш марказига тақдим этилсин;

иловадаги шахслар учун иш ўринларининг санита-рия-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига муво-фиқлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда таш-килотнинг мансabdор шахсларига «Ижтимоий муҳфа-зага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг 15-бандига му-вофиқ жарима солинад.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини иловада белгиланган миқдордан ор-тиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларнинг бир қисмини туман Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (Ш.А.Дадашев):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

7. Сергели тумани ҳокимининг 2013 йил 27 сентябр-даги «Сергели туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлашти-риш учун иш ўринларини 2014 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида»ги 595-қ-сонли қарори 2014 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бош-лаб қўчга кирди.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.А.Шамуратов зимма-сига юклатилсин.

**Сергели тумани ҳокими
Ф.Махсудходжаев**

2014 йил 30 сентябрь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

**Халқаро Тошкент
фотобиенналесидоирасида
Тошкент Фотосуратлар уйида
кўргазма очилди.**

ФОТОИЖОДКОР НИГОҲИДАГИ ДУНЁ

Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуриддинов, Япониянинг мамлакатимиздаги Фавкулдда ва мухтор элчиси Ф.Като, Россия рассомлари конфедерацияси ижроия кўмитаси раиси М.Фаткуллин ва бошқалар Президент Ислон Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда миллий маданият ва санъат раънақиға улкан эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатлар ҳаёти, уларнинг табиати, турли халқларнинг турмуш тарзи, анъана ва урф-одатларини акс эттиришда фотография санъатининг аҳамияти бекиёс. Мазкур кўргазмада бу жиҳатлар юртимиз ҳамда Япония, Руминия, Италия, Россия, Қозоғистон каби қатор давлатлар фоторассомлари томонидан тақдим этилган ижодий ишларда яна бир қарра ўз ифодасини тоғани билан аҳамиятлидир.

Тошкент халқаро фотобиенналесидоирасидан ортқ мамлакат ижодкорлари билан мулоқотда бўлиш, уларнинг фаолияти билан ақиндан танишиш, ўзаро фикр ва таъриба алмаштирдиқ аҳойиб имкониётини берди, — дейди япониялик фотограф Наюки Огино.

Шу кунди Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида Ўзбекистон ва хорижлик фотоусталар иштирокида ёшлар учун маҳорат сабоқлари бўлиб ўтди.

(ЎЗА)

Тадбирлар

ДАВРА СУҲБАТИ

**Мирзо Улуғбек туманидаги
«Оққўрғон» маҳалласида «Диний
экстремизм ва миссионерликнинг
олдини олиш» мавзусида давра
суҳбати бўлиб ўтди.**

Маънавият тарғибот маркази Мирзо Улуғбек туман бўлими, туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш борасида ташкил этилган ушбу тадбирда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди М.Улуғбек туман бўлими раиси Нуржон Алланазарова, туман бош имом хатиби Одиқ қори Алимов, бош отинийи Мухаббат Юнусова, «Оила» маркази раҳбари Раъно Ходжаева, «Қамолот» ЕИХ туман кенгаши раиси Мэлс Тошовлар мавзу изасидан ўз фикр-мулоҳазалари ва тақлифларини билдириб ўтишди.

Бу каби тадбирларни маҳалла фаоллари ва ёшлар ўртасида ўтказишдан кўзланган мақсад обод ва озод юртимизнинг тинчлигини янада мустаҳкамлашдан иборатдир, — дейди М.Улуғбек туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилдора Абидова. — Шунингдек, бугунги кунда долзарб муаммолардан бири бўлиб келаётган халқаро терроризм, диний экстремизмнинг барча кўринишларига, маънавият ва маданиятимизга нисбатан қилинаётган мафкуравий хуружларга, юртимиз тинчлиги ва осойишталигига раҳна солувчи, ёшларнинг онгини заҳарловчи, тўғри йўлдан оздирувчи ҳар қандай ғоя ва мафкураларга қарши муроасосиз курашиш муҳитини яратиш муҳим аҳамият қасб этади.

Гўлҳеҳра ДУРДИЕВА

Қандли диабет сурункали касаллик ҳисобланиб, туғма бўлиши ёки унга кейинчалик қалиниши мумкин. Касаллик икки турга бўлиниб, биринчи турида инсулинга муҳтож бўлади, яъни бемор бир умр инсулинни қабул қилиши шарт. Иккинчи турида эса бемор қанд моддасини қамайтурувчи таблеткалар қабул қилади. Касаллик баъзан жуда кеч аниқланади. Бунга унинг яширин кечиши, беморларнинг шифокорларга кеч мурожаат қилиши ва бошқа бир қанча сабаблар мавжуд, бу ғоҳида жуда оғир ва фожияли ҳолатларга олиб келиши мумкин.

Мутахассис маслаҳати

САЛОМАТЛИГИМИЗНИ АСРАШ — ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Ҳозирги кунда беморларни қандли диабет касаллигидан тўлиқ даволаш имкониётини бир мунча қамлиғи туғайли бу ҳасталиқни эрта аниқлаб, уни тўғри даволаш ҳамда бемор умрини узок, ҳаётини сермазмун қилиш шифокорлар олдига турган муҳим вазифа ҳисобланади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, касалликнинг ўзи эмас, балки унга мойиллик насл суради. Гап шундаки, бизни турли-туман зарар келтирувчи омиллар таъсиридан ҳимоя қилиб турадиган туғма иммунитет ҳамда ҳам бир хил бўлавермайди. Ана шундай иммунитетни паст кишиларга касаллик бошқаларга нисбатан кўпроқ хавф солиши маълум. Уларнинг ўзлари касалланиб қолишлари, ўз авлодларига нуқсонли иммунитетни ўтказишлари, бинобарин, касалланиш хавфини орттиришлари мумкин экан. Юқорида айтилган мойиллик ҳолатига бошқа сабаблар қўшилса, касаллик пайдо бўлиши мумкин.

Ушбу касалликнинг пайдо бўлишига эса семирдиб кетиш, қамҳаракатлилик, кўп овқат ейиш оқибатида меъда ости безига ортқча зўр келиши, хамир овқатлар ва ширинликларни кўп истеъмол қилиш асосан сабаб бўлади. Баъзан касаллик бир қатор ҳолларда асабий-руҳий зўриқиш, қаттиқ кўрқиш, оиладаги ва ишхонадаги моҳоролар ва

ҳокимлар оқибатида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Шунингдек, баъзан юқумли касалликлар ва ички секреция безлари ҳасталиклари, меъда ости безининг яллиғланиши ва ички секреция безларининг етилиши даврида ўзига хос зўриқанда, аёлларда эса ҳомиладорлик ва климакс даврида ҳам қандли диабет ҳасталиғи билан оғирлиқ эҳтимоли бор. Шу билан бирга спиртли ичимликларни истеъмол қилиш оқибатида ўткир ва сурункали панкреатитга олиб келиши семирдиб кетишга сабаб бўлиб, бу қандли диабет пайдо бўлиши хавфини оширади. Булардан ташқари баъзи бир касалликлар, яъни ҳафаконик, қон томир тизимининг атеросклерози ва бошқалар қандли диабетга сабаб бўлади.

Юқоридаги ҳолатларга асосланиб, шуни таъкидламоқчимизки, қандли диабет касаллигига гумон бўлган ҳолатларда тезликда шифокорга мурожаат қилиб, қондаги ва сийдикдаги қанд миқдорини аниқлаш ва зарур ҳолатларда даволаш чораларини кўриш зарур. Бебаҳо бўлган бойлигимиз — саломатлигимизни асраш ҳар биримизнинг ўз қўлимизда, шундай экан, соғ-омон юришни истасангиз, соғлигингизга эътиборли бўлинг.

Дилбар ОБИДОВА,
шаҳар эндокринология
диспансерининг олий тоифали шифокори

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистонда миллионлаб болалар ва ўсмирлар иштирокида анъанавий ўтказиб келинаётган ўн босқичли узлуқсиз спорт тизими — «Умид ишқолари», «Барқамол авлод» ва Универсиада мусобақалари ёшлар спортга кенг жалб этиш, маҳоратли спортчиларни тарбиялашда муҳим аҳамият қасб этмоқда. Ушбу мусобақалар туғайли мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юрларида таълим олаётган миллионлаб ёшлар футбол, теннис, сузиш, шахмат, кураш, бокс, гимнастика, енгил атлетика ва бошқа кўплаб спорт турларида ўз маҳоратини намойиш қилмоқда. Мамлакатимиз терма жамоаларининг аксарият вакиллари ушбу ўйинларда тайёргарлик мактабини ўтаб, айна пайтда йирик халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этмоқда. Ватанимиз байроғини баланд кўтармоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Қарори мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қатъи эътибор берилаётганининг яна бир ёрқин тасдиғидир.

Ушбу ҳужжатда спортчиларимизни Олимпия ўйинларига пухта тайёрлаш вазифалари, яъни спорт федерацияларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, хорижий мамлакатларда мураббий ва ҳакамлар-



нинг малака оширишини ҳамда спортчиларимизнинг ўқув-машғулот йиғинларини ташкил этиш, уларнинг халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этишини таъминлаш, мамлакатимизда яна ўнлаб спорт объекти-лари барпо этиш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, замонавий ускуналар билан жиҳозлаш бўйича муҳим вазифалар белгиланган.

Спортчиларимизнинг XVII ёзги Осиё ўйинларидаги иштироки мутахассис ва мураббийларимизга Олимпиадага ўйланма олиш учун курашадиган атлетларимизнинг маҳоратини синодан ўтказиш, уларнинг салоҳиятини баҳолаш имкониётини берди.

Осиё ўйинларида кўлга киритилган медалларнинг қатъи қисми олимпия спорт турлари билан шуғулланадиган ёшларимиз ҳиссасига тўғри келди. Эркин ва юнор-рум кураши бўйича Рустам Асқаров, Дилшоджон Турдиев, Бекзод Абдурахмонов, Рашид Қўрбонов ва бошқа полковларимиз ўзбек кураш мактабининг юксак салоҳиятини намойиш этиб, терма жамоамизга 3 олтин, 1 кумуш ва 3 бронза медалини келтирди.

— Бу менинг Осиё ўйинларидаги биринчи иштироким ва илк олтин медалиmdir, — дейди эркин курашчи Бекзод Абдурахмонов. — Президентимиз томонидан ёш спортчиларга қўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик, одам ва яшнларимизнинг муҳаббати шоҳрупаннинг энг юқори поғонасига кўтарилишига кўн берди.

— Мен Осиё ўйинларига пухта тайёргарлик кўрдим, — дейди юнор-рум курашчиси Рустам Асқаров. — Ғалаба қозониш осон кечмади. Мамлакатимизда спортчилар учун яратилган қўлай шароит, давлатимиз раҳбари томонидан уларга берилаётган улкан эътибор ва рағбат бу ютукда асосий омил бўлди. Мен Ўзбекистонни севаман ва ғалабамни Ватанимга бағишлайман.

Таъқвондо (WTF) бўйича спортчиларимиз кўлга киритган 4 медаль уларнинг Осиё ўйинларига тайёргарлиги тўғри ташкил этилганидан далолат беради. Жасур Бойқўзиёв биринчи олтин медалга сазовор бўлди. Ақа-ука Нихита ва Максим Рафаловичлар, Дмитрий Шокин кумуш медаллар билан тақдирланди.

Мамлакатимизда аёллар спортини ривожлантиришга қаратилаётган қатъи эътибор самарасида бугун ўнлаб спортчи қизларимизни бутун дунё яхши билади. Осиё ўйинларида иштирок этган спортчи қизларимизнинг ғалабалари ҳам бунга яна бир бор яқин исботлади.

Гимнастикчи қизларимиз Анастасия Сердюкова, Жамила Раҳматова, Валерия Давидова ва Равиля Фархутдинова юқори тайёргарлик ва ғалабага бўлган қатъи ишқини намойиш этиди. Уларнинг ҳалқа, тўп, булава, лента билан мураккаб машқларни бажариши муҳлису мутахассислар олқишига сазовор бўлди. Мусобақаларга пухта тайёргарлик кўрган спортчиларимиз жамоавий баҳсларда Жанубий Корея, Хитой Тайпейи,

Хитой, Япония, Қозоғистон ва бошқа давлатлар вакиллари билан доғда қолдириб, мамлакатимизга наватбдаги олтин медалларни келтирди.

— Осиё ўйинларининг ғолиби бўлганимиздан ғоят бахтиёримиз, — дейди Валерия Давидова. — Зеро, бундай муфзули мусобақаларда шоҳ-супанинг энг юқори поғонасига кўтарилиш ҳар бир спортчининг орзусидир. Биз ҳам бунга жуда хоҳладик ва жиддий тайёргарлик кўрдик. Орзуларимиз ушалди. Осиё ўйинларида Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилди ва давлатимиз мадҳияси янгради. Энг муҳими шу!

Ёш оғир атлетикачимиз Махлиё Тоғаева беллашуларда ўзининг юксак маҳоратини намойиш этди.

— Бундай йирик спорт мусобақасида терма жамоамиз ҳисобига дастлабки медални келтирганимдан хурсандман, — дейди М.Тоғаева. — Мусобақада рақобат шунчалик қучли бўлдики, ҳатто Олимпия ўйинлари совриндорлари ҳам медалсиз қолди. Осиё ўйинларидаги муваффақиятим мамлакатимизда спортни ривожлантириш, ёш ва иқтидорли спортчиларни рағбатлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасидир.

Ушбу мусобақаларда енгил атлетикачиларимиз ҳам салмоқли ютуқларни кўлга киритди. Лондон Олимпиадаси финалчини Светлана Радзивиц баландликка сақраш мусобақасида 1 метру 94 сантиметр натижа кўрсатиб, хитойлик рақибини ортда қолдирди ва олтин медални кўлга киритди.

Кумуш медал соҳиби енгил атлетикачи Леонид Андреев ҳам муҳлису мутахассисларнинг эътирофига сазовор бўлди. У ўзининг юксак ма-

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАС, ҲЕЧ ҚАЧОН КАМ БЎЛМАЙДИ



ҳоратини намойиш этиб, 100 метрга югуриш, узокликка сақраш, ядро улоқтириш ва баландликка сақрашда юқори натижалар кўрсатди.

Енгил атлетикачиларимиз Надежда Дўсанова ва Иван Зайцев ҳам мамлакатимиз терма жамоасига иккита бронза медални келтирди.

Боксчиларимиз ҳам кўплаб медалларни кўлга киритди. Шаҳобиддин Зоиров ва Исроил Мадримов кумуш, Ойбек Мамазулов ва Мирзо-хиджон Абдуллаев бронза медалларига сазовор бўлди.

Эшак эшувчи спортчиларимиз ўзларига билдирилган ишончни оқлаб, 5 медални кўлга киритди. Мамлакатимиз терма жамоасининг ғалабали олимларини иқтидорли спортчимиз Алексей Мочалов бошлаб берди. У 1000 метр масофага байдарақда эшак эшиш баҳсларида Эрон, Қозоғистон ва Хитой вакиллари билан оғирлиқда. Иккинчи бўлиб пойгага икки қарра жаҳон чемпиони Ваҳид Меньков чиқди. У 1000 метр масофага қанозда эшак эшиш баҳсида Қозоғистон, Хитой ва Жанубий Корея спортчиларидан ўзиб келиб, маррага биринчи бўлиб етиб келди.

Қанозда жуфлик пойгаларида қатнашган Серик Мирбеков ва Гера-сим Қочев дўсти Осиё ўйинларининг бронза медални совриндори бўлди. Байдарақда эшак эшиш бўйича тўртликлар ўртасидаги пойгада Сергей Борзов, Вячеслав Горн, Алексей Мочалов ва Александр Тропин ҳам бронза медалини кўлга киритиб, муҳлисларни хурсанд қилди. Шу тариқа улар Ўзбекистон байдарақ ва қанозчилари Осиёда етакчилардан эканини бутун дунёга яна бир бор намойиш этиди.

— Ғалаба қозонганимга ҳалигача ишонолмаяпман, жуда ҳаяжонданман, — дейди Алексей Мочалов. — Аслида олдиндан ғалабани мақсад қилганим ва мусобақага жиддий тайёрланганим. Ватанимизга яна бир олтин медал таъриба қилганимдан бахтиёрман.

Спортчиларимизнинг XVII ёзги Осиё ўйинларида эришган ютуқлари мамлакатимизда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга нечоғли улкан эътибор қаратилаётганини яна бир қарра намойиш этиди. Истиқлолдан аввал спортчиларимизнинг халқаро мусобақаларда иштирок этишини тасаввур қилиб бўлмасди. Бундай нуфузли мусобақалардаги ғалабалар ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди.

Бугун спорт муҳлислари, бутун халқимиз XVII Осиё ўйинларида ғалаба қозонган спортчиларимизни хурсандчилик ва фахр-ифтихор билан кутиб олмақда.

(ЎЗА)

РЕКЛАМА ВА ЁЪОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЁЪОНЛАР



«БАРАКАПИ ҲАМЁН»

- Пулингиз доимо ёнингизда
- Кунлик эҳтиёжларингизга ишлатишингиз мумкин
- Омонат фоизлари қамаймаиди



ТЕЛ: (+998 95) 144-60-00, (371) 202-70-70

www.turonbank.uz

Хизматлар лицензияланган

«Ватанпарвар»

РЕЖАЛИ ИШЛАР НАТИЖАСИ

**Ўзбекистон Мудофаасига
кўмаклашувчи «Ватанпарвар»
ташкilotи мана 23 йилдирки ўзининг
асосий мақсад ва вазифаларидан бири
ҳисобланиш ёшларни она Ватанга
садоқатли, фидойи этиб тарбиялаш
баробарида улар онгига инсонийлик,
ватанпарварлик туйғуларини
сингдиришга ва эзгу ишлар сари
йўналтиришга хизмат қилмоқда.**

Хусусан, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташиқлотиди «Якқасарой ЎСТК» унитар қорхонаси ҳам қатор ижобий ишларни амалга оширмоқда.

Жорий йилда «Ватанпарвар» ташиқлотиди «Якқасарой ЎСТК» унитар қорхонаси саъй-ҳаракатлари билан 550 нафардан ортқ оммавий сақбадаги мутахассис тайёрланди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, синф хоналари замон талаби даражасида мультимедия, компьютер, телевизор ҳамда иситиш ва совутиш мосламалари билан жиҳозланди. Ташкилотда спортнинг техник ва амалий турларидан милтиқдан ўқ отиш, ёзги биатлон, авиамодел, ракетамодел, тўғарақлари мавжуд. Бу тўғарақлар доимий равишда фаолият юритиб, ҳар бирида 15-20 нафарга яқин воғга етмаган ёшлар қатнашади.

— Ўқув-спорт техник клубининг олдиди турган асосий вазифалар — «Ватанпарвар» бошланғич ташиқлотини тузиш, доимий равишда оммавий ватанпарварлик тадбирларини ўтказиб бориш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш, халқ ҳўжалигига оммавий қасб ходимларини тайёрлаш ҳамда Низомда кўзда тутилган барча тадбирларни тўлақонли бажаришдир, — дейди «Якқасарой ЎСТК» УК Маънавият, ҳарбий ватанпарварлик тарғиботи ва ташиқлий-оммавий ишлар бўйича бошлиқ ўринбосари Санобар Маматова. — Ташкилотимизда маънавий-маърифий ҳамда спорт ишлари яхши йўлга қўйилган. Жумладан, ҳар бир байрам саналарига бағишлаб тадбирлар, спортнинг техник ва амалий турлари бўйича спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда. Бу каби мусобақаларда «Якқасарой ЎСТК» унитар қорхонасининг спортчилари фахрли ўринларни эгаллашаётгани кўзонаридир.

Жорий йилда ташиқлотимиз Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, «Қамолот» ЕИХ туман Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинимиз, туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамда бошқа ташиқлотлар билан биргаликда кўплаб тадбирларни амалга оширди. Жумладан, Ватан ҳимоячилари кўни ҳамда Қуролли Қўчаларимизнинг 22 йиллигига бағишлаб «Мамлакатимиз.Қуролли Қўчалари тинчлик ва осойишталик гарови» мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирда тумандаги таълим мутасассаларининг ўқувчилари иштирок этди.

Туман Мудофаа бўлими билан ҳамкорликда «Шунқорлар» ҳарбий кўрик-танловни ҳам ўзига хос тарзда ўтказилди. Ёшларда қатъи қизиқиш уйғотган мусобақа уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, қалбларида Ватанга ҳўрмат-садоқат ҳисларини шакллантириш, аҳоли, айнақса қақирққача бўлган ёшларнинг она юрт ҳимоясига, ҳарбийлик қасбига бўлган қўнимка, қизиқишини ошириш, уларни муддатли ҳарбий ва сафарбарлик резервдаги ҳарбий хизматга тайёрлаш мақсадига ташиқил этилди.

Туман ҳўқимлиги томонидан «Воғга етмаган ўқувчи ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳўқўбузарликнинг олдини олиш ва турли диний экстремистик оқимлар таъсиридан ҳимоялаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш» мавзусида ўтказилган тадбирларда «Ватанпарвар» ташиқлотиди ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бунда ташиқлотдаги спорт тўғарақларига ўқувчиларни жалб қилиш асосий мақсад қилиб олинди.

Ташкилотда ўқийётган гуруҳлардаги ўқувчилар билан байрам саналарига бағишлаб спортнинг милтиқдан ўқ отиш тури бўйича мусобақалар уюштириб боришмоқда.

Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан ташиқлот томонидан тумандаги коллеж ва академик лицейлар ўқувчилари ўртасида ёзги биатлон бўйича мусобақа ўтказилди. Ана шундай тадбирларни амалга оширишда бошланғич ташиқлот аъзоларининг ҳиссаси қатъи.

Жорий йилнинг ўзиди соҳани янги техник воситалар билан бойитиш мақсадида юртимизда ишлаб чиқарилган «Матиз», «Спарк» ҳамда «Нексия» русумидаги енгил автомобилларнинг харид қилиниши бўлажак оммавий сақбадаги мутахассисларни тайёрлашда ўзига хос қўлайликлар яратмоқда.

Зиёда РАСУЛОВА

Божхона омборхонасида ёнғин

8 октябрда ўтар кечаси Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида жойлашган «Тошкент юк тушириш ҳовлиси» худудида ёнғин содир бўлди.

Ўт ўчирувчилар гуруҳи томонидан кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида ёнғин тўлиқ бартараф этилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, юк омборхонасида тез ёнувчи моддалар бўлган.

Ушбу факт юзасидан жинойи иш кўзғатилди.



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

17-19 даража
иссиқ бўлади.
Ўзгидрометнинг
мониторинг хизмати
маълумотиға

Тошкент шаҳрида кўра, 10 октябрда Тош-10 октябр кўни ҳаво кент шаҳрининг об-ҳаво ўзгариб туради, ёнғин-шароити шаҳар ҳаво муғарчилик бўлмайди. ҳитида зарарли модда-Шарқдан секундига 3-ларнинг бир оз йилги-8 метр тезликда ша-ишга имкониёт ярат-мол эсади. Ҳарорат ке-ди, ифлосланиш даража-часи — 3-5, кундузи — си паст бўлади.

